

Сувни зарарсизлантириш учун хлор таблеткалар ишлаб чиқариш технологияси яратилди

// 16.09.2015

<https://uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/suvni-zararsizlantirish-uchun-hlor-tabletkalar-ishlab-chiqarish-tehnologiyasi-yaratildi>

“Навоийазот” АЖда сувни зарарсизлантириш учун хлор таблеткалар ишлаб чиқариш технологияси яратилди ва уларни ишлаб чиқариш учун саноат - тажриба қурилмаси ясалди. Маҳсулотнинг синов партияси ишлаб чиқарилди ва ҳозирда тегишли норматив ҳужжатлар ва тавсияномалар тайёрлаш устида иш олиб борилмоқда.

Хлор таблеткаларидан ичиш ва техник сувни зарарасизлантириш, сузиш ҳавзаларни, санитар-техник ускуналарни тозалаш учун фойдаланиш мумкин.